Ушбу сонда:
2 БОЛАЛАР НАСИБАСИГА ЧАНГ СОЛГАНЛАР
3 КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ
4 УМИДЛИ БОКСЧИЛАР



ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 9 апрел, чоршанба № 57 (1482)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




Бўка туманида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига эътибор маҳаллаларни обод қилишда жуда қўл келмоқда. «Тошлоқ» маҳалласидаги «Карим ота» хусусий корхонаси шулар жумласидандир.

Раимқул ака маҳалладаги ташландиқ, қаровсиз жойни сотиб олиб, чойхона қурди ва шу тариқа тадбиркорликни бошлади. Ҳозир чойхона ёнида кундалик эҳтиёж моллари дўкони, нонвойхона, сартарошхона қурилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Тадбиркор йилдан йилга фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Жумладан, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ҳам йўлга қўйди. «Икарус», «Форд» русумли йўловчи ташиш транспорти бунда қўл келмоқда.

***Суратларда: чойхонада.***

**С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Қарор ва ижро*

## ФЕРМЕР БОЙИСА...

***Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Мирзаобод ва Меҳнатобод туманидаги давлат хўжаликлари деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаларига айлантирилганди. Орадан роппа-роса бир йил ўтди. Иқтисодий ислоҳотнинг илк натижалари кўзга ташлана бошлади.***

Аввало, қишлоқ аҳолисининг муайян қисмини иш билан таъминлаш имкони яратилди. Мирзаободда қўли ишдан совиган деҳқонларнинг катта қисми далага қайтди. Ҳукумат қарорига кўра 8 та иқтисодий ночор хўжалик фаолиятига чек қўйилиб, экин майдонлари 543 та фермер хўжаликларига тақсимланди. Бир сўз билан айтганда 13.3 минг гектар ер майдони ўз эгасини топди. Уларда қарийб 2.5 минг нафар киши маош олиб ишлашяпти. 147 та фермер хўжалиги йилни соф фойда билан якунлаб, аъзолар даромадини оширишга эришди. Ўтган бир йилда 6 та фермер хўжалиги 94,5 миллион сўмлик қарздан қутилиб, даромад сари қадам ташлади. Туманда ишловчи ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш фермер хўжаликлари бирлашган касаба уюшма қўмитасига юклатилган. Натижада иш берувчилар ва ишловчилар ўртасида меҳнат шартномалари ва битимлар имзоланиб, унинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

– Ҳар бир фермер хўжаликлари бирлашмаларида бошланғич ташкилот тузишга эришганмиз, – дейди мазкур касаба уюшма қўмитаси раиси Ўктам Суяров. – Тузиладиган шартнома ва меҳнат битимларида далада ишловчилар манфаати тўла ўз ифодасини топяпти. Иш шароити, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий кўмак кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси, хуллас барча имтиёз ва имкониятлар фермер хўжаликлари етакчилари томонидан яратиб берилади.

Раҳмонкул Маматниязов раҳбарлик қилаётган Рустам Қосимов номли фермер хўжалиги фаолияти билан танишдик. Тадбиркорлар далада ишловчилар моддий таъминотини яхшилаш учун интилмоқда. «Пахтакор» қишлоғидаги ўнлаб хонадон тадбиркорлар даласини ўз тирикчилик манбаи сифатида ҳис қилмоқда. Ўтган йили 20 гектар майдондаги буғдой ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерни ташкил этган. Режадан ошиқ 20 тонна дон хўжалик аъзоларига тақсимлаб берилди. Биргина ғаллачиликдан орттирилган соф фойда 3 миллион сўмдан ошади. Лизинг асосида олинган тракторлар билан фермерлар бир қатор ташкилотларга транспорт хизмати кўрсатиб, ҳисобларига пул тушириш имконини топишди.

Фермерлар қишлоқдаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга молиявий кўмак кўрсатишни ўз бурчига айлантирган. Ҳудудидаги 18-мактабга ўз ҳисобидан жиҳоз, кам таъминланган хонадон фарзандларига бепул дарслик олиб беришни канда қилишмайди.

Туман фермерлари хориж технологияси асосида фаолият юритишга интилмоқда. Сувдан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида «Янгиобод» муқобил машина-трактор парки ҳудудида «Қўшқулоқ» сувдан фойдаланиш уюшмаси ташкил этилганди. Уюшма ҳудудидаги 56 та фермер хўжаликларида суғоришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш чораларини кўряпти. АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (ЮСАИД) фонди билан амалий алоқалар боғланган. Фонд маблағлари ҳисобидан сув тақсимлаш ва ўлчаш асбоблари ўрнатилган. Сув тармоқлари тозаланиб, 1 миллион 700 минг сўмлик иш бажарилди.

– Сув таъминотида қийинчилик ва муаммолар мўл ҳосил яратишга тўсиқ бўлиб келарди, – дейди Абдусалом ота номли фермер хўжалиги раиси Ҳазрат Абдусаломов. — Сувдан фойдаланишнинг янги усули ҳосилдорликни ҳам, даромадимизни ҳам оширади. Ўтган йил ғаллачиликдан 700 минг, пахтачиликдан эса 2 миллион сўмдан ошиқ фойда олдик. 1.5 тонна ёғ, 8 тонна кунжара аъзоларимиз камига яради.

**Ш.НУРИЛЛАЕВ.**

## КАФОЛАТЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Тошлоқ туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида тўқсон нафар йигит-қиз ишли бўлди. Туман меҳнат ва бандлик бўлими томонидан ташкил этилган ярмаркада қирқ корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Айни кунда мазкур корхона ва ташкилотларда 150 дан ортиқ бўш иш ўринлари бор. Ярмаркада 15-қурилиш ташкилотига қарашли 7-механизациялашган кўчма колонна, «ДЭУ текстил», пахта тозалаш заводи, транспорт корхоналари ва марказий шифохона маъмурияти ўзларига муносиб номзодларни саралаб олди.

- Меҳнат ярмаркаси доирасида ёшларни кафолатли иш ўринлари билан таъминлаб қолмасдан, уларнинг қизиқиш ва истакларини ҳам ўрганиб бораяпмиз, - дейди туман меҳнат ва бандлик бўлими бошлиғи Абдубаннов Нишонов. - Ярмаркада ўн саккиз фуқарога ўз мутахассисликлари бўйича зарурий маслаҳатлар берилди, уч киши чорвачилик йўналишлари бўйича ўқишга жўнатилди.

## ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА

Наманган вилоятининг Поп туманида янги шошилинч тиббий ёрдам шифохонаси фойдаланишга топширилди. Туман шифохонаси бўлимларидан бирининг негизида ташкил этилган ушбу тиббий муассаса вилоят шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиалига айланди.

«Наманганирқурилиш», «Ижтимоийқурилиш» акционерлик жамиятларининг ихтисослаштирилган бўлимлари ва тумандаги бир қанча хусусий қурилиш корхоналари шифохонани қайта қуриш учун 300 миллион сўм атрофида капитал маблағларни ўзлаштирди.

- Мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам илмий марказларининг ташкил этилиши маҳаллий тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди, - дейди янги тиббиёт муассасасининг очилиш маросимида республика соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров. -Бугун тиббий замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган бундай муассасаларда аҳолига жаҳон андозалари даражасида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Попдаги янги шошилинч тиббий ёрдам шифохонасида реанимация, анестезиология, жарроҳлик, терапия, педиатрия бўлимлари бор. Уларнинг барчаси турли хил замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Марказ бир пайтнинг ўзида 60 нафар беморга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик тизимига интеграциясини турли халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай ҳамкорлик кредитлар олиш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, жаҳон бозорига маҳсулот олиб чиқишга хизмат қилади. Бу каби ташкилотлардан бири Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ҳисобланиб, у мамлакатимиз ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда муҳим ўрин тутади.***

## МИЛЛИЙ БАНКНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА



Evropa
Tiklanish va Taraqqiyot
Banki

Бугунги кунда Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг 20 та лойиҳа амалга оширилган. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда микромолиялаш, пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш, сув ва иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш, телекоммуникация тармоғини реструктуризация қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Таъкидлаш жоизки, биринчи лойиҳанинг амалга оширилиши республикамизда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан 1993 йилда Савдога кўмаклашиш дастури доирасида бошланган эди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий банки томонидан ЕТТБ билан ҳамкорликда умумий қиймати қарийб 325 миллион АҚШ долларига тенг 9 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу маблағлар, асосан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, мамлакатимиз банкларининг озиқ-овқат, нефткимё саноати соҳаларидаги савдо операциялари, стратегик товарлар, саноат, тиббиёт ускуналари ва бутловчи қисмлар экспорт-импортига йўналтирилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўрни ҳақида гапирганда айтиш жоизки, у мамлакат ташқи савдо айланмасининг 70 фоиздан ортиғига хизмат кўрсатади, улкан иш тажрибасига эга ва кўпгина лойиҳаларни молиялашнинг ташкилотчисидир. Улар орасида йирик инвестиция лойиҳалари билан бирга республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳам бор.

Лойиҳаларни молиялаш, асосан, иқтисодиётни реструктуризация қилишга йўналтирилган бўлиб, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва ўз-ўзини қоплаш тамойилларига асосланган. У банкнинг ўз ресурслари ҳисобига ҳам, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Япония ва бошқа мамлакатларнинг йирик молиявий ташкилотлари ресурсларини жалб қилиш ҳисобига ҳам амалга оширилади.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида банк иқтисодиётнинг туб тузилмавий қайта қурилишини таъминлаган лойиҳаларни молиялади. Бу нефт ва металларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг янги қиёфасини шакллантириш бўйича бошқа лойиҳалардир.

Миллий банкнинг халқаро алоқалари ҳам жадал ривожланмоқда. Бугун Миллий банкнинг вакиллик тармоғи дунёнинг 67 та мамлакатидаги 580 та банкни ўз ичига олади. Банк шахсий омонатлар ва аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича мамлакат молия бозорининг етакчилари қаторига киради. Миллий банкнинг 99 та бўлими мамлакатимизнинг барча иқтисодий муҳим ҳудудларида жойлашган бўлиб, 350 мингдан ортиқ корпоратив ва шахсий мижозлар учун турли хил хизматлар кўрсатади.

Миллий банк аҳолига кўрсатилаётган хизматларни ривожлантиришда пластик карточкаларга катта эътибор беради. Банк энг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни жорий этишда олға бормоқда. Миллий банкнинг ҳам халқаро, ҳам сўм карточкаларини тўлов воситаси сифатида қабул қиладиган савдо-сервис корхоналари тармоғининг кенгайиши аҳоли ўртасида уларнинг оммалашувига туртки берди.

Мамлакатимиз ҳукуматининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш дастурида 2004 йилгача бўлган даврда Миллий банк акцияларининг 40 фоизини хорижий сармоядорларга сотиш кўзда тутилган. Келгусида бу унинг фаолияти ошкоралиги ва менежментнинг юқори даражасини таъминлаш, илғор технологияларни жалб этиш имконини беради.

4-5 май кунлари Тошкентда ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши ўтказилиши жаҳон банк ҳамжамияти томонидан республикада амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришларнинг юқори баҳоланишидан далолат беради. Бутун Ўзбекистон учун ўта муҳим ушбу воқеа бой салоҳиятимизни кўрсатиш имконияти билан бирга мамлакатимиз нуфузининг ортиши ва унга бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, иқтисодиётда қўшимча хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятини яратади.

**Ж.РАУПОВ, ЎзА мухбири.**

## ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИГА СУВ ЧИҚДИ

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятининг тоғли туманларидаги айрим қишлоқлар аҳолиси учун ичимлик суви муаммога айланиб бораётган эди. Ушбу муаммони ҳал этиш борасидаги ишларга «Экосан» халқаро жамғармаси ҳам ўз улушини қўшмоқда.

Жамғарма ўн беш қишлоққа секундига 200 литр сув тортадиган катта қувватли насосларни ҳадя этди. Фориш туманидаги Янгиқишлоқ, Бахмал туманидаги Ойқор, Ғаллаорол туманидаги Зарбулоқ, Зомин ва Янгиобод туманларининг тоғ қишлоқларига ҳадя этилган бу насослар ичимлик суви таъминотини бир мунча яхшилади.

## «ВОДИЙ» ВЕЛОСИПЕДИ

Наманган вилоятидаги «Уйчиқишлоқмаш» акционерлик жамиятида тайёрланаётган ўнлаб оммабоп товарлар орасида «Водий» велосипедига талаб ортиб бормоқда. Корхонани молиявий соғломлаштириш ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ машинасозлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга қарор қилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган велосипедлар аҳолининг кенг қатлами учун транспортнинг энг арзон ва қулай турига айланди.

- Биз аввал синов тариқасида бир қанча велосипед намунасини тайёрладик, - дейди корхона директори Б.Сайдуллаев. - Истеъмолчилар томонидан яхши баҳоланганидан сўнг туркум ишлаб чиқаришни бошладик. Бугунги кунда завод ойига 150-170 та велосипед ишлаб чиқариш қувватига эга. Келажакда ушбу кўрсаткични 2 мингтагача етказиш ниятимиз бор.

Шуниси эътиборга лойиқки, велосипедлар учун бутловчи қисмларнинг 80 фоизи шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Бугун заводда 60 нафарга яқин киши меҳнат қиляпти ва келгусида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобидан уларнинг сонини ҳам кўпайтириш режалаштирилган.

**(ЎзА).**

*Текширишда аён бўлди*

***Навоий вилояти солиқ хизмати ходимлари бажарилган ишларни таҳлил қилаётиб солиқ қонунчилиги кўпроқ дорихоналарда бузилаётганлигини аниқладилар. Дорихонадек нозик жойда шунча қоидабузарликнинг мавжудлиги назорат ишларининг маълум даражада сусайиб кетганлигидан далолат эди.***

## ШУБҲАЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Охирги текширув Навбаҳор туманидаги «Асад бобо» хусусий фирмасига қарашли дорихонада ўтказилди. Ўша куни сотувчи Аҳад Раҳимов 21,8 минг сўмлик дори-дармонларни харид қилган харидордан пулни санаб олди-ю, лекин унга чек ёки квитанция бермади. Чунки дорихонада назорат касса машинасининг ўзи йўқ эди. Хазинадаги 58,8 минг сўм кунлик савдо тушуми ҳам ҳеч қаерда қайд этилмаган эди.

Солиқ хизмати ходимлари сотувга қўйилган дори-дармон турларини кўздан кечириб, яна бир қонунбузарликларга гувоҳ бўлдилар. Республикамизга кредит йўли билан олиб келинган ва фақат шифохоналарда ишлатилиши лозим бўлган дори-дармонлар ҳам очиқ савдога чиқарилган эди. Уларга диққат билан қарасангиз «Сотиш ман этилади» деган тамға урилганлигини кўрасиз. Бундай дори-дармонлардан «Ардуан» препарати беморга наркоз бериш жараёнида фойдаланилади. «Атропин сульфат» кўз томчисини эса махсус лицензия асосида сотиш мумкин. Лекин бундай лицензияга дорихона эга эмасди. Психотроп дори-дармонлар таркибига кирувчи «Клфеллин» таблеткаларини ҳам бу ердан эркин сотиб олиш мумкин эди.

Шубҳали дори-дармонлар зудлик билан таҳлил этиш ва хулоса бериш учун вилоят «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамиятига юборилганида, «Ардуан» препарати ҳақиқатдан ҳам наркоз воситалари гуруҳига кириши ва фақат шифохоналарда фойдаланишга рухсат берилиши маълум қилинди.

Шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа дорихоналарда ҳам мавжуд эди. Ўтказилган текширувлар натижасида 12 ҳолатда 152,1 минг сўм нақд пул тушуми назорат касса машиналарига кирим қилинмаганлиги, 10 ҳолатда 539 минг сўм пул бошқа мақсадларга сарфланганлиги тасдиқланди.

Қонунбузарликлар энг аввало дорихона жамоаларининг ўзига қимматга тушмоқда. Улар катта миқдорда молиявий жарима тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Агар ҳамма иш қоидали бўлганида жарима учун тўланган миллионлар жамоанинг ижтимоий ҳаётини яхшилашга, дорихоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган бўларди. Дорихоналардаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари Наманган вилоятида ҳам содир этилмоқда. Вилоят давлат солиқ бошқармасига тушган тезкор маълумот асосида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ходимлари билан ҳамкорликда тезкор текширув ўтказганларида, бир ҳуқуқбузарлик иккинчисини етаклаб чиқаверди.

Чуст шаҳрида жойлашган «Дилором» хусусий дорхонаси ҳамиша зарур дори-дармонлар излаб келган харидорлар билан гавжум бўлади. Дорихона сотувчиси Дилором Увайсованинг қўли-қўлига тегмайди. У харидорларнинг биридан харид қилинган дори-дармонлар учун 5000 сўмни санаб олиб, энди қоғоз қутига ташлаган пайтда солиқ хизмати ходимлари текширув эълон қилдилар. Чунки тушум назорат касса машинасига кирим қилинмаган эди. Бу билан сотувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузган эди.

Шу ҳолат сабаб бўлиб, солиқчилар дорихона хазинасидаги пул тушумини ҳисоблаб чиққанларида 9827 сўм назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги маълум бўлди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан дорихонага берилган лицензия Чуст шаҳар Мустақиллик кўчаси 8-уйда жойлашган «Дилором» хусусий дорихонасига берилган эди. Лекин бу дорихона бошқа манзилда – Ипак йўли кўчасида фаолият кўрсатарди.

Солиқчилар сотувга қўйилган дори-дармонлар ҳолатини кўздан кечириб, ёқа ушлаб қолдилар. Сотилаётган 1060 минг сўмлик 182-турдаги дори-дармонларнинг кирим ҳужжати ва таҳлили йўқ эди. «Реланиум» деб номланган дори таркибида наркотик модда бўлганлиги учун, уни очиқ савдога қўйиш тақиқланган эди.

Текширув ўтказилаётган пайтда солиқчилар дорихона директори Нурхон Увайсова хонадонида қўлбола пенициллин ишлаб чиқарувчи цех мавжудлиги, уни Н.Увайсованинг ўғли Шерали кўздан яшириш учун қайнотаси Аҳмаджон Мирфайзиевнинг уйига кўчираётганлиги ҳақида тезкор маълумот олдилар. Дарҳол иккинчи гуруҳ яширин цехни топишга тушди.

Шерали отини қамчилаб онасига тегишли бўлган хуфя анжомларни Чуст шаҳар Муқимий кўчасида истиқомат қилувчи қайнотаси уйига вақтинча яширишга улгурган экан. Лекин солиқчилар Шерали билан изма-из қайнотасиникига кириб бордилар. Уларни кўриб Шералининг тили калимага келмай қолди. Шу ерда пеницилин тайёрловчи ускуна, 466,5 минг сўмлик тайёр қўлбола дори-дармонлар, 2353 дона шиша идишлар, 4420 сўмлик алюмин ва резина қопқоқлар далилий ашё сифатида рўйхатга олинди. Улар орасида бир дунё ҳужжатсиз дори-дармонлар ҳам сақланаётган экан. Ҳаммаси олиниб таҳлил қилиш учун тегишли жойларга юборилди.

Солиқ хизмати ходимлари аниқлашларича, дорихона ходимлари фармацевтика соҳасига мутлақо бегона кишилар экан. Унинг раҳбари Нурхон Увайсова аранг ўрта маълумот олиб, кейин ўзини савдо-сотиққа урган эди. Ўғил-қизларининг билим даражаси ҳам ўзиникидан юқори эмасди. Уларнинг дорихонадек нозик жойда қандай ишлаб келишаётганлиги кишини ажаблантиради.

**Жасур НОСИРОВ, «Ишонч»нинг жамоатчи мухбири.**



# КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ

## ёхуд ворислик саодати

***Тарихда шундай шахслар бўладики, ҳазрат Жалолиддин Румий айтганларидек, жаҳоннинг юраги улар кўксида уриб туради. Маънавиятимиз осмонидаги порлоқ юлдуз, адолат ва ҳақиқат ҳимоячиси, дунёни илм-маърифат ила нурафшон этган Амир Темур ана шундай буюк сиймо эди.***

«Миллат дардига дармон бўлиш»ни умрининг саодати деб билган бобокалонимизни тарих саҳнасига даврнинг ўтли суронлари, миллат қайғуси, халқ дарди олиб келди. Шу боис ҳам асрлар оша у ёққан адолат машъаласи барчага бирдек нур сочувчи Бобоқуёш мисол инсониятни мардлик ва жасоратга, эрк ва озодликка ундаб туради. У жаҳондаги ўнлаб жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ бузмоқни эмас тузмоқни ихтиёр этди, умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлди. Ҳазратнинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», деган сўзлари бу ҳақиқатнинг исботидир. У ҳали ҳаётлигидаёқ миллий доирадан чиқиб инсониятнинг ёрқин сиймосига айланди, адолатпешалиги, илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси сифатида етти иқлимга танилди. Амир Темурнинг бевосита раҳбарлигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир, Аҳмад Яссавий ва Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мажмуалар, бир-биридан гўзал 12 боғ ва саройлар... Соҳибқирон қурдирган бундай иншоотларни санаб саноғига етиш қийин. Дунё аҳли соҳибқиронга юксак эҳтиром ва эътиқод рамзи сифатида Европа тилларида 500 дан ортиқ Шарқ тилларида 900 га яқин илмий ва оммабоп асарлар яратди.

Соҳибқирон бобомиз руҳи инсон қалбини юксакларга чорлайди. Дунёга янгича назар, янгича фикр билан қарашга ундайди, ҳақиқат ва адолат, тинчлик ва донолик манзилига бошлайди. Негаки унинг қадами етган жой обод ва озод бўлиб, шаҳару қишлоқлар маърифий масканларга айланган. Ана шу шарафли ишлари учун инсоният унга олтиндан ҳайкал қўйиб, халоскоримиз дея эътироф этган. Дунёни зир титратган Наполеон ҳам унинг даҳоси олдида бош эгган. Унинг таълимотидан ўрганган ва Амир Темурни «жаҳон тарихида илк бор мунтазам армияни, қулай тактика ва стратегияни ишлаб чиққан», жаҳонгир сифатида тан олган. Биз унинг ворислари эса давр тақозоси билан мустабид тузум даврида Амир Темур меросидан бебаҳра яшадик. Унинг тарихдаги ўрнига нотўғри баҳо бердик.

Мустақиллик шарофати билан ақл ва тафаккур гулшани султон Амир Темур Ҳазратлари юртимизга қайтди.

Дарҳақиқат, Ҳазрат бобокалонимиз от миниб мамлакатимиз пойтахтига кириб келганда руҳий уйғоқлигимиз кучайди. Уни таниш билан дунёни англаб бордик, ватанни таний бошладик, кимлигимизни тушуниб етдик. Ҳар бир тошидан тарих ўқилгувчи Самарқанд шаҳрига тахти равонда кириб келганида Амир Темур сиймосига боқиб миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз қайтганига шукроналар айтдик.

Кўҳна Оқсарой остонасидан қадам қўйиб келаётган соҳибқирон Амир Темур сиймоси эса кучимизга куч қўшди. Шундай буюк зотнинг вориси эканлигимиздан қалбдан фахр туйдик. Ул Ҳазрат эса гўё орамизда юргандек, ҳар бир ишимизни кўриб, кузатиб тургандек. Эрк ва озодлигимиздан, тинч-осойишталик барқарорлигидан руҳлари ором олаётгандек. Гўё Амир Темур ҳар биримизни бугунги мустақиллик кунларида синовдан ўтказаётганга ўхшайдилар. Гўё соҳибқирон барча-барчамиздан «Қандай эзгу иш қилдинг? Кимларга яхшилигинг тегди? Ватан учун, тинчлик осойишталик учун нималар қилдинг?» деяётгандек.

Ҳа, улуғ зотларнинг саволлари ҳам, талаблари ҳам ўзларига монанд юксак, мардонавор бўлади. Уларга ворис бўлмоқ осон эмас. Аждодлар олдидаги бурчни тўла адо этмоқ даври келди. Бу эса ўз-ўзини англамоқ, синов лаҳзаларидир. Бугун баландпарвоз сўзлар даври ўтди. Ҳадеб донишманд боболар билан, уларнинг оламшумул ишлари билан мақтанавермай ўзимиз ҳам уларга муносиб бўлмоғимиз, амалий фаолиятимиз, эзгу ишларимиз билан уларнинг ҳаққоний вориси эканлигимизни амалда исботламоғимиз зарурдир. Адолат ва ҳақиқат дастури бўлган Амир Темур ҳамиша келажак авлоднинг баркамол бўлишини ният қилган. Ҳазратнинг биз ворисларга қарата айтган қуйидаги ўгитларини бугун ёд олиб ҳаётимиз аъмоли деб билмоғимиз жоиздир: «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир

Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз ўлсин!» Ҳар гал соҳибқироннинг ушбу сўзларини эслаганимда Президентимизнинг: «Амир Темур даврини бошқаттан ўрганмоғимиз лозим. Нега деганда Амир Темур тузукларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандай бўламан», деган гаплари ёдга тушади. Юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишларга, эл-улус фаровонлиги йўлидаги қонун ва фармонларга назар ташласак Амир Темурнинг адолат, тинчлик, осойишталик йўлини кўргандай бўламиз. Зеро, Ватанни буюк давлатлар қаторига қўшмоқ, адолатни тиклаб, осойишталикни таъминламоқ, аждодлар руҳини шод этмоқ, улуғ иншоотлар бунёд этмоқ Ҳазрат Соҳибқирондан юққан улуғ фазилатлардир.

Юртимизга Амир Темур руҳи билан яхшиликлар, адолат ва ҳақиқат оқиб кирмоқда. Эл-юрти учун фидойи инсонлар ворислик салоҳиятларини намоён этиб, тадбиркорликлари, ташаббускорликлари билан мўъжизалар яратмоқдалар. Бундай инсонлар Ватанга бўлган муҳаббатларини дабдабали ваъдаларда, чиройли шиорларда эмас, балки Ватан ва миллат манфаати йўлида қилган амалий ишларида намоён этмоқдалар. Ғиждувонлик Саид Раҳмонов ана шундай фидойи, элпарвар, маърифатли юртдошларимиздан. Халқ маорифининг жонкуярларидан бири ҳисобланган бу киши 62-йўналишли мактаб-интернат директори сифатида нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам эътироф этилмоқда. Унга ўтган йили Франция Республикаси Миллий таълим вазирининг Фармони билан Палм академияси ордени берилди. Бу шарафли унвонга ўз иқтидори, билими, қолаверса, ташаббускорлиги ва талабчанлиги, ўз ихтисослиги-француз тилига эҳтироми билан эришди. Қувончли томони шундаки, у бошқараётган мактаб ўқувчилари қатор йиллардан бери фан олимпиадаларида француз тили бўйича биринчиликни қўлдан бермай келаётирлар. Билим даргоҳини тугатган ўнлаб ўқувчилар жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртларида сабоқ олиб, ўзларининг буюк аждодларига муносиб ворис эканликларини амалда исбот этмоқдалар. Шунингдек, мактаб-интернат ўқитувчилари Франциянинг Версал академияси олимлари билан ҳамкорликда Давлат таълим стандартлари талабига асосан замонавий дарслик ва қўлланмалар яратмоқдалар. Бу эзгу ишда С.Раҳмоновнинг хизматлари катта бўлмоқда. У жаҳон услубшунослари билан ўзаро тажриба алмашиб, фанда янгиликлар яратмоқда.

Бундан ташқари, у раҳбарлик қилаётган мактаб-интернатда иқтидорли болаларнинг таълим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий компьютер синфлари ёшлар хизматида. Ҳар йили ёзда бу ерда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Бухоро вилоят қўмитаси билан ҳамкорликда иқтидорли болаларнинг «Олимпиадачи» оромгоҳи ташкил этилади. Оромгоҳда танлов асосида энг иқтидорли болалар танлаб олинади. Тумандаги энг зукко ўқитувчилар шартнома асосида ишга жалб қилинади. Болалар бир ой мобайнида ҳам мириқиб дам оладилар, ҳам ўз билимларини етук мутахассислар иштирокида ошириб борадилар. Яхшилик яхшиликка йўл очганидек С. Раҳмоновнинг саъй-ҳаракатлари билан улуғ тариқат пири хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний яшаб ўтган заминда бугун юзлаб, минглаб иқтидорли ёшлар камолга етмоқдалар.

Зуҳра Облобердиева ҳам мутахассислиги бўйича ўқитувчи. Ўз фани бўйича кўпчилик ҳурматига сазовор бўлган муаллим. Оиласи, бола-чақаларидан кўнгли тўқ. Аммо унинг бошқалардан фарқли томони шундаки, эл иши учун фидойи, тиниб-тинчимас. Элининг шону-шуҳратини дунёга ёйишга аҳд қилган тадбиркор. У республикамизнинг чекка тумани ҳисобланган Шофирконда 50 нафар аёлни атрофига йиғиб каштачиликнинг кўҳна анъаналарини тиклашга киришди. Пахтадан ўзи ип йигириб, мато тўқиттирди. Пилладан турфа ипаклар тайёрлаб, сўзаналар тикишни йўлга қўйди. Айни кунда у бошлаган иш нафақат республикамизда, балки жаҳонда эътироф этилмоқда. Зуҳрахон республикамиз ҳунармандлари ва тадбиркорларининг нуфузли анжуманларида ғолибликни қўлга киритиб, халқаро миқёсдаги йиғинларда ҳам иштирок этмоқда.

Дарахтнинг салобати илдизининг бақувватлигига боғлиқ. Мамлакатимизнинг бугунги кунда халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқлари, илм-фанда эътироф этилаётган янгиликлар, спорчиларимизнинг жаҳон спорт анжуманларида эришаётган ютуқларининг замини буюк боболаримиз тафаккури ва бетимсол маънавиятининг шарофатидандир. Амир Темур даҳоси эса бизни ҳамиша юксакларга чорлайди. Унинг қуйидаги васиятлари эса буюк давлат қуриш йўлидаги эзгу ишларга даъват этади: «Сизлар бир тан, бир жон бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди».

Ҳа, унутмайликки биз буюк Соҳибқирон ворисларимиз. Унинг васиятлари ҳар биримизнинг ақл-фаросатимизга, интилиш ва ташаббускорлигимизга, орзу-ниятларимизга қувват бағишламоғи керак.

**Амина ҚОДИРОВА.**

**Ислом КАРИМОВ:**

***Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.***

***Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.***

***Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.***



Таниқли мусаввир Малик Набиев яратган «Амир Темур» портрети давлат танлов комиссияси томонидан яхши намуна (эталон) сифатида қабул қилинган. Саркардалик либосидаги портрет асосида эса тақвим, плакат, конверт маркалари чиқарилган.

# МУСАВВИР ИЖОДИДА СОҲИБҚИРОН ҚИЁФАСИ

Тасвирда Темур бобомиз саркардалик кийимларида намоён бўладилар. Асарда Соҳибқирон кучга тўлган пайтлари акс этган бўлиб, қиличга қўлларини қўйганча ақл-заковатга тўлиб, давлат осойишталиги ва фаровонлиги ҳақида хаёл сурмоқда. Тарихчи Арабшоҳ таърифлагандек, унинг бошига кийган тожи барваста қоматига жуда ярашган. Портрет ҳаворанг, зарҳал, жигарранг, қирмизи ва оппоқ мойбўёқларда ниҳоясига етказилган. Тахтнинг бир тарафида қуёшдек нур сочаётган жилвадор, қадимий Мароқанд меъморчилиги кўринишлари акс этган. Бобомиз гўёки «Куч-қудратимизга шубҳа билан қарайдиган бўлсангиз, биз қурдирган биноларга боқинг» дегандай бўлади. Иккинчи портрет шоҳона парчазардўз тўн,саллада тасвирланган. Бунда у самимий боқишлари билан кишини маҳлиё этади. Композиция тузилиши жиҳатдан бир-биридан фарқ қилсада ҳар иккала портрет тасвирда шижоатли ва қудратли инсон акс эттирилган. Рассом тасвирни тарихчи таърифлаган даражада самимий яратган.

Тасвирий санъат кўргазмаларида намойиш этилган мусаввир Малик Набиевнинг Амир Темур портретлари қаторидан «Темурнинг ёшлиги», «Соҳибқирон қурилишда», «Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси», «Амир Темурнинг Испания қиролининг элчи-вакили Руи Гонсалес Де Клавихонинг қабул этиши» ва бошқа асарлар жой олган.

Салкам тўқсон ёшга чиққан ижодкор биргина соҳибқирон қиёфасини яратиш учун олтмиш икки йил изланди. Жаҳон уруши бошланганда Гўри Амир мақбарасида Темур ва темурийларнинг мўмиёлаб қўйилган жасадлари ҳозирги «Фотон» корхонаси ўрнида ишлаб турган тарихий санъат музейига келтирилади. Ҳайкалтарош М. Герасимов томонидан Амир Темур бюсти яратилганда Соҳибқироннинг асл қиёфасини бузиб кўрсатилиши, бераҳм, шафқатсизларча тасвирланиши Малик Набиевга мутлақо ёқмайди. Мусаввир узлуксиз изланиб, ҳеч кимга кўрсатмасдан ҳақиқий Амир Темур қиёфасини яратиш учун турли хил чизгилар, қораламалар чизар эди. Саксонга яқинлашганида унинг орзуси ушалди. Мустақиллик нуроний мусаввирга қандайдир илоҳий куч ато этди. Куч-ғайратга тўлиб, Соҳибқироннинг ўнлаб қиёфасини яратиб, ҳамкасбларини ҳайратда қолдирди. Илк портрет қиёмига етай деганда, педагогика олийгоҳининг бадиий графика бўлимида кутилмаганда ёнғин чиқди. Тасодифни қарангки, Малик Набиев ижодхонаси омон қолган эди. Зеро, бу ерда «Амир Темур» портрети ҳам бор эди.

Малик Набиевга Темур сиймосини яратиш омад олиб келди. Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон халқ рассоми» унвонига сазовор бўлди. «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Академик рассом деган шарафли номга эга бўлиб, «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланди. Мусаввир Соҳибқирон қиёфасини яратиш учун ҳамон изланишда. У айни пайтда «Амир Темур тушимда» асари устида ишламоқда.

**МАҲМУД РАМАЗОН АҲМАДИЙ,**
**санъатшунос.**

# ЭҲТИРОМ

Ўзбек давлатчилигининг асосчиси, буюк жаҳонгир Амир Темур таваллудининг 667 йиллиги Қашқадарёда ҳам кенг нишонланди. Қарши Давлат университети ва Муҳандислик иқтисодиёти институтида соҳибқирон таваллудига бағишланган илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва «Наврўз» жамғармаси ҳамкорлигида бир гуруҳ ўқитувчилар ва фахрийлар учун Тошкент шаҳридаги Темурийлар тарихи Давлат музейига саёҳат уюштирилди.

Улуғ саркарданинг киндик қони томган Шаҳрисабз соҳибқирон таваллуди муносабати билан байрамона руҳда безатилди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Кешнинг бош майдонидаги Амир Темур ҳайкали пойида меҳнат жамоалари номидан анвойи гуллар қўйилди.

Амир Темур ва Темурийлар хотираси ёд этилиб, маҳаллаларда ош тортилади.

Шаҳрисабздаги марказий ўйингоҳда миллий кураш ва бошқа спорт мусобақалари ўтказилади.

Шунингдек, етакчи олимлар иштирокида «Амир Темур - ўзбек давлатчилигининг асосчиси» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилади. Тарих музейида коллежлар ва мактаб ўқувчиларининг очиқ дарслари ташкил этилади.

Бундан ташқари Маданият саройида «Амир Темур рассомлар нигоҳида» мавзусидаги тасвирий санъат асарлари кўргазмаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Шаҳар халқ театри ижодий жамоаси тайёрлаган «Мозий садоси» бадиий-мусиқий дастури кенг жамоатчиликка намойиш этилади. Қадимий Кешнинг 2700 йиллиги муносабати билан эълон қилинган «Шаҳрисабз - Шарқ дурдонаси» кўрик-танлови ғолиблари ҳам шу куни рағбатлантирилади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудига бағишланган оммавий-маданий тадбирлар Қарши шаҳри, Яккабоғ, Китоб ва Муборак туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилади.

**И. ТИЛЛАЕВ.**

# БИЗНИНГ ТАРИХИМИЗ

Бу ёруғ оламда Амир Темурдан фахрланмайдиган бирорта ўзбек бўлмаса керак. Ҳазратнинг таваллуд кунлари олдидан синфдошларим билан биргаликда Темурийлар тарихи Давлат музейини томоша қилдик.

Амир Темур салтанатининг шукуҳига мос, халқимиз ақл-заковати ва меъморчилигининг гўзал намунаси бўлган ушбу кошона бизда катта таассурот қолдирди. Соҳибқирон тузган салтанатнинг улуғлиги ва беқиёс қудратини яна бир бора ҳис қилдик. Қарангки Амир Темур бошлаб берган бу сулола 488 йил ҳукм сурган. Тарихда 193 нафар темурий шаҳзода, 320 нафар темурий малика ўтган. Уларнинг бари ўз даврининг мўътабар зотлари бўлишган. Яна уларнинг 70 фоизи шоири даврон бўлиб, салтанат тебратишган.

Ҳа, Амир Темур бизнинг тарихимиз, йўлимиз-йўлдошимиз. Юртбошимиз айтганларидек, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Биз, Амир Темур ворислари ўз билимимиз, салоҳиятимиз билан улуғ бобомизга муносиб бўлишимиз керак.

**Гулсарвар РАУПОВА,**
**Тошкентдаги 64-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.**

# БУ САЛОБАТЛИ БИНОЛАР

Амир Темур ўз даврининг буюк сиймосидир. Испаниялик Руи Гонсалес де Клавихо, англиялик Кристофер Марло, Эдуард Гиббон, германиялик Иорганнес Шильтбергер каби йилномачиларнинг ёзишларича, Пётр I, Буюк Фридрих, Наполеон Бонапарт каби буюк шахслар ҳам Темурнинг давлат бошқаруви тажрибасидан фойдаланишган экан. Бу эса ўша даврнинг ўзидаёқ унга берилган юксак баҳодир. Темурнинг Боязид устидан эришган ғалабаси бутун Европани усмоний турклар томонидан истило қилинишидан асради. Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси эса ҳозирги Россия давлатини мўғуллар зулмидан қутқарган. Анқара жангидан сўнг Темурнинг Боязид ҳарамида асирликдаги Греция шоҳининг қизларини озод қилиши эса унинг олижаноб инсон эканлигидан далолатдир. Ушбу далилларга кўра ҳақли равишда Соҳибқирон бобомизни «Европа халоскори» деб бемалол баралла айтамиз. 1996 йил Парижда ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан Амир Темурга бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда Франция Президенти Жак Ширак ва унинг рафиқаси ҳамда ЮНЕСКОнинг бош директори Федерико Майорнинг иштироки соҳибқирон бобомизнинг жаҳон миқёсида яна бир бор тан олинишининг исботидир.

Дарҳақиқат, Темур ана шундай улуғланишларга муносиб буюк халқ фарзанди эди. Нимаики тадбир қўллаган бўлса, халқнинг тинч-фаровон турмушини кўзлаб, давлатнинг тараққиёти учун қилганди. Ҳофизи Обрўнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур вақф ва мадрасалар тизими орқали толибларга стипендиялар, камбағалларга, яъни фуқароларга нафақалар, улардан ҳар бирининг аҳволи ва қадр-қимматини ҳисобга олган ҳолда тайинлаган экан. Тузукларидаги қуйидаги сўзлар эса, бунга яққол мисолдир: «Яна амр қилдим, сармояси қўлдан кетган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли микдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса унга экин-тикин учун уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин...»

Мамлакатимизнинг қайси бир вилоятига борманг, Соҳибқирон ва унинг авлодлари даврида қурилган бинолар салобат билан қад ростлаб турибди. 7 асрдан бери сақланиб келаётган ушбу меъморий ёдгорликлар Темурнинг куч-қудратини ўзида намоён қилган. Бизга яхши маълумки, Соҳибқирон бобомиз замондошларига ҳурмат кўрсатиб, оламдан ўтганларни эса номларини абадийлаштиришга шахсан ўзлари бош - қош бўлганлар. Унга кўра Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Занги-ота» мақбарасини бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Мустақиллик йилларида Президентимиз олиб бораётган одилона сиёсат, яъни ўтганларни хотирасини абадийлаштириш эса Темур бобомиз қилган ишларнинг давоми десак ҳеч муболаға бўлмайди. Темур қолдирган бу улкан меросни асраб-авайлаш ва уни келажак авлодга бус-бутун ҳолича етказиш бугун биз ёшларнинг бобокалонимиз олдидаги муқаддас ва шарафли бурчимиздир. Биз ёшлар эса ушбу муқаддас бурчга содиқ қолайлик. Зеро, шоир ёзганидек соҳибқироннинг ҳар бир сўзи қалбимизда яшайди:

***Жангу жадал орасида фурсат***
***топган чоқ,***
***Битик қилдим қоидаю***
***амалларимни,***
***Мен уларни атаганман, тузукот дея,***
***Умидворман келажакка бу***
***тузукларим***
***Асқотгайдир салтанату***
***авлодларимга...***

**Бекзод МАМАТҚУЛОВ,**
**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) қошидаги Эксперт кенгаш аъзоси.**
**Озод ЭРМУҲАММЕДОВ,**
**Тошкент Давлат Юридик институти қошидаги академик лицей талабаси, «Амир Темур» стипендияси соҳиби.**

# «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДАН

**Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг.**

* * *

*Салтанатимни у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим.*

* * *

**Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак.**

* * *

*Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиатини, ҳар элнинг расми-одат, йўл-йўсинларидан воқиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари ва бузурглари билан ошно бўлдим...*

* * *

**Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.**

* * *

*Кимники ҳузуримга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, ҳолига яраша ҳурматлаб, совға-инъомлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам кечирсинлар. Иккинчи, учинчи яна гуноҳ қилгудек бўлса, у чоғда гуноҳига яраша жазоласинлар.*

* * *

**Ҳеч кимдан ўч олиш мақомида бўлмадим. Тузимни тотиб менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.**

*Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига*

# ОДАМЛИК МАЗМУНИ ТОҒЛАРДАН БУЮК

Ғафур Ғулом – ўзбек халқи номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлган ва бу масъулиятни чуқур англайдиган шоир эди. Қизи Олмоснинг эътироф этишича, у катта, каттакон, улуғвор деган сўзларни яхши кўрган. Зеро, у катта халқнинг шоири эди, катта ниятлар билан улуғвор келажакка кўз тикарди. Ҳамма нарсани улкан нарсаларга ташбеҳ этарди: «Бизда олам-олам имконият бор», «Хоразм тарихидай узун умр», «Орзу офтобдай катта», «Истиқболдай кенг қучоқ», «Қалб фонтандай жўшар», «Фазодан каттароқ ният», «Катта каллақанддай салом», «Бағримдай кенг олам», «Шоҳнома»дай зўр қиссанг» ва ҳоказо.

Ғафур Ғулом ҳозиржавоб шоир бўлган: нафақат мамлакат, балки жаҳон миқёсидаги ҳар бир муҳим ҳодисага муносабат билдирган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса ота-онасидан ажралган болаларга бағишлаб «Сен етим эмассан» шеърини яратиб, миллион-миллион ўксик қалбларга малҳам бўлгани маълум. Ёки бир инглиз лордининг ўзбекларни қабила деб атаганига қарши «Шараф қўлёзмаси» шеърини битади. Унда ўзбек халқини улуғлаб, унинг мухолифларини танқид қилувчи шундай мисралар мавжуд:

***Бизда логарифманинг***
***Мушкул муаммолари***
***Қўлдаги бармоқлардай***
***Оддий қилинганда ҳал,***
***«Олий ирқ» даъвогари***
***Черчиллнинг боболари,***
***Ҳатто санай олмасди***
***Ўн бармоқни мукаммал.***

Ҳар қандай шоир ўз даврининг фарзанди. У ўз замонини гоҳ ишониб, гоҳ мажбуран улуғлаши табиий. Ғафур Ғуломнинг бирор шеъри йўқки қуёш, тонг, нур, бахт, умид, истиқбол сўзлари (ёки уларнинг синонимлари) учрамаса! Кўринадики, у ёруғ келажакка ишониб яшаган.

Ғафур Ғулом икки марта оммавий қатағонга шахсан гувоҳ бўлган: 30-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг бошида. Бу қатағонларнинг юҳо комига тушмаган бўлса-да, ҳар турли танқиду тазйиқлардан бебаҳра қолмаган. Бу қатағонлар «айбдор» шахснинг ўзини маҳв этиш билан чекланмай, унинг оиласи, болалари, қариндош-уруғларию танишбилишларини ҳам ўз домига тортишини кўрган шоир ўзини ҳимоя қилиши табиий эди.

Ғафур Ғулом шеърлари ҳаётий ташбеҳларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. У биз ҳар куни кўрадиган, лекин эътибор бермайдиган нарсалардан шоирона ўткир нигоҳи туфайли жуда гўзал ва бетакрор ташбеҳлар топади ва шеърлари билан ҳаёт, табиат, теварак-атрофга, ватанга, халққа, одамларга муҳаббат уйғотади. Буюклик ва соддаликнинг эгизаклиги, ўзаро омухталиги шундан бўлса керак. Айтайлик, у қўшиқларини қандайдир мавҳум ва баландпарвоз нарсаларга эмас, бор-йўғи ватанининг иқлимига ўхшатади: «Ўзбекистон иссиғидай қўшиқларим беғубор». Бу қўшиқнинг сатрларини ирмоқларга қиёслайди: «Ирмоқлардай чулдираб сатрлар оқа кетсин». Илк баҳордаги экинга тайёр замин манзарасини у шундай чизади:

***Чилла куни ҳаммомдан чиқа***
***келган куёвдай***
***Пахтакор ўзбек ери ҳавр ила,***
***ғубор ила.***
***Ерни – онага, чигитни –***
***фарзандга менгзайди:***
***Мазмундор ҳосилга бағри***
***бўлиқ ер,***
***Онадай эмизиб ётар чигитни.***



Шоирнинг образли ифодасига кўра пахта эгатлари аро «сув кокилдай таралади»; унинг «сўзлари томирда қондек равон»; «бошини пахтадек баланд кўтариб» юради; яқин кўнгиллар «эгизак бодом каби бириккан» бўлади; «осмон эса виждон каби пок, беғубор», «ҳар япроқ бир капалак»; «лабдан учган сўзлар хандон пистага ўхшайди; у ҳамма нарсани ўзига яқин олиб гапиради: онахон ёз, онахон шудгор, ота-мерос осмон, пахтакорлик ҳаммамизни она ишимиз. Ҳамма нарсанинг олдига ўз қўйиб гапиради: ўз еримиз, ўз сувимиз, ўз офтобимиз... Ёки мана бундай кўнгилга яқин, халқона содда ва самимий мисралар шоирнинг деярли ҳар бир шеърида учрайди: «Жумласи сутдай ширин, сўзи қаймоқ аралаш»; «Кафтим чизиғидай ҳамма ер аён»; «Далада ҳар нафас ўпичдай ширин».

Шарқ мумтоз шеъриятида «шоҳбайт» деган тушунча бор. Кўпинча шоирлар бир ёки бир неча байт шеърлари билан машҳур бўладилар – улар шоирни танитишга ҳужжат бўлади. Чунончи:

***Агар кўнглимни мот этса ўшал***
***Шероз жонони,***
***Қаро холига бахш этгум***
***Самарқанду Бухорони, –***

байтини эшитганда кўз олдимизда буюк Хўжа Хофиз сиймоси жонланганидай,

***Ул санамким, сув яқосинда***
***паридек ўлтурур,***
***Ғояти нозуклигидин сув била***
***ютса бўлур, –***

мисраларини ўқиганда ҳассос шоир Атоийни эслаймиз. Шоир Ғафур Ғулом деганда ҳам кўз олдимизга дарҳол «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмассан», «Кузатиш», «Соғиниш», «Вақт», «Йигитларга», «Алишер», «Хотин» каби шеърлар,

***Азиз асримизнинг азиз***
***онлари,***
***Азиз одамлардан сўрайди***
***қадрин.***
***Фурсат ғаниматдир, шоҳ***
***сатрлар-ла***
***Безамоқ чоғидир умр***
***дафтарин, –***

сингари сатрлар келади.

Мана, нечанчи авлод бу сатрларни ёд айтиб юради, бир-бирининг эсдалик дафтарига битиб беради, давраларда шу тўртлик ўқиб, қадаҳ кўтаради.

Икки мисра шеърини халқ ёд олиб, ҳамиша айтиб юрадиган шоир ўзини бахтли ҳисобласа бўлади. Бу жиҳатдан Ғафур Ғуломнинг омади чопган. Унинг қуйидаги сатрлари ҳам, мана неча йилларки, ўқувчиларнинг тилидан тушмай келади:

***Онам деганимда, оқ соч,***
***жафокаш,***
***Мунис ва меҳрибон чеҳранг***
***намоён.***
***Сен, ахир, бағрингда***
***парвариш қилиб,***
***Кўзимга бахш этдинг кўзгудек***
***жаҳон.***

Ёки мана бундай фалсафий теран мисралар ҳар қандай замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслиги шубҳасиз:

***Меҳнатсиз умр ҳам бебақо***
***бўлур,***
***Чириқ латта каби увада бадан.***
***Бир умр текин яшаб қаримак***
***Ҳаёт қомусида олинмайди***
***тан.***

Ғафур Ғуломнинг бир қатор сатрлари борки, улар қуйма ҳикматдай, мақолдай жаранглайди ва ҳеч қачон ўз қимматини, таъсир кучини йўқотмайди:

***Қиз деган кўнгилнинг қонидан бўлур...***

* * *

***Оилада муҳаббат туздан олдин туради.***

* * *

***Одамлик мазмуни тоғлардан буюк.***

* * *

***Фурсат ўтиб кетади қулт этиб ютунгунча.***

* * *

***Умрни олиб ҳам, сотиб ҳам бўлмас.***

* * *

***Юракнинг уришин ўлчамоқ учун***
***Икки оғиз сўзнинг ўзи кифоя.***

* * *

***Қаттиқ ирода билан ҳарна қилса бўлади.***

* * *

***Самимий айтилган сўз содда бўлади.***

Ғафур Ғулом – XX аср ўзбек адабиётин. У ҳукмрон мафкура тазйиқи остида ижод қилишига қарамай, Ғафур Ғулом ижодининг умрбоқийлиги, абадиятга дахлдорлиги шундан. То халқ бор экан, адабиёт ўлмас экан, Ғафур Ғулом мероси ҳам ўқилаверади. Шоирнинг ноёб истеъдоди яратган дурдона асарлари ҳамиша, ҳамма замонларда ҳам ўзининг бадиий қимматини сақлаб қолаверади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

## НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни илмий асосда тадқиқ этиш жараёнлари самарали кечмоқда. Бу борада Тошкент Давлат иқтисодиёт университети олимлари изланишлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда олий ўқув юртининг бир гуруҳ етакчи олимлари муаллифлигида босмага тайёрланган «Иқтисодиёт назарияси» ўқув қўлланмаси нашр этилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тавсия этилган ҳамда академик С.Ғуломов таҳрири остида чоп этилган бу ўқув адабиёти ўз мундарижа ва мазмуни билан эътиборлидир.

«Молия» нашриёти, шунингдек, университет олимлари яратган «Молиявий ҳисоб» номли дарсликни ҳам талабаларга тақдим этди. Ўзбек тилида илк бор чоп этилган мазкур ўқув адабиёти олий ўқув юртининг «Саноатда бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедралари олимлари ҳамкорлигида босмага тайёрланди.

## «УСТОЗ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

Республика «Устоз» жамғармаси олий ўқув юртларида фидокорона меҳнат қилиб, муносиб шогирдлар тайёрлаб келаётган профессор-ўқитувчиларни ҳам қўллаб-қувватлаб, улар фаолиятини кенг тарғиб этмоқда.

Хизмат кўрсатган фан арбоби, I-Тошкент Давлат тиббиёт институти профессори Раҳим Эгамбердиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати жамғарма эътирофига сазовор бўлди. Профессорнинг бу ва шунга ўхшаш илмий салоҳияти инобатга олиниб, «Устоз» жамғармаси таъсис этган мукофот билан тақдирланди.

Зеро, кўзга кўринган шифокор олим мамлакатимизда морфология фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У айни вақтда илмий фаолиятини анатомия фани тараққиётига бағишлаётган олим кўплаб ёшларнинг устози ҳамдир.

**А.АЛИЕВ.**

## ФАРЗАНДЛАР БАРКАМОЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Жиззах шаҳридаги 14-сонли "Лайло" болалар боғчасида тарбияланаётган кичкинтойларнинг севимли машғулотларидан бири инглиз тили сабоқларини ўзлаштиришдир.

- Боғча инглиз тилини ўзлаштиришга ихтисослаштирилган, -деди боғча мудираси Муяссар Ҳакимова "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бу ерда 188 нафар тарбияланувчи инглиз тилининг дастлабки сабоқларини ўрганишади. Лола Ахбоева фарзандларимизга инглиз тили сабоқларини ўзлаштиришда яқин кўмакдош. Дарслар қизиқарли ўйинлар, кўргазмали қуроллар асосида ўтилади. Масалан, "Келинг, инглизча сўзлашамиз" мавзуига бағишланган дарси болаларда нутқ ва сўзлашиш маданиятини ўргатади. "Инглиз тилида қайси давлатлар сўзлашади", "Инглиз тилида шеър айтамиз ва қўшиқ куйлаймиз" каби мавзулардаги дарслари эса фарзандлар дунёқарашини кенгайтиришга яқиндан ёрдам беради.

Ўтган йили шаҳар миқёсида ўтказилган "Инглиз тилини чуқур ўрганамиз", "Келинг, инглизча сўзлашамиз" мавзуига бағишланган семинарларда боғча тарбияланувчилари фаол иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритишди. Инглиз тили дарслари билан бир қаторда табиат ва спорт дарслари кичикинтойларнинг севимли машғулотига айланган. Табиат дарсларида кичкинтойлар боғча майдонига ўз қўллари билан турли дарахт ва гул кўчатларини экишади. Куни-кеча жажжилар "Ассалом, баҳор!" шиори остида 250 туп гул кўчатларини экишди.

*Биласизми?*

## ШАЙТОН ДАРАХТИ

Қишнинг изғирин кунларидан чарчаган ҳар қандай инсон беихтиёр баҳорни соғинади. Ана шундай дамларда қизил дарахт қалбингизга баҳорий илиқлик олиб киради. Негаки, бошқа дарахтлар энди-энди куртак ёза бошлаганида, бу дарахт нафис гуллар билан бурканган ҳолда жилоланади. Тўғри, баҳорий либосда у гўзал, аммо кузда тўқ қизил мевалари осилиб турган қизил шохлари янада кўркамроқ кўринади. Дарвоқе, айни шу жиҳат – меваларининг ранги туфайли бу дарахт қизил деб аталади.

Қизилнинг лотинча номи «корнус» – шох, яъни шох каби қаттиқ деган маънони англатади. Уни қадимги Греция ва Римда қадим замонлардаёқ яхши билганлар, ундан қурол-яроғ ясашда хомашё сифатида фойдаланганлар. Айнан қизил камонлари билан Гомер ўз Одиссеясини қуроллантирган.

Қадимда ҳатто соатлар ҳам қизил дарахтдан ясалган. Бундай соатлар Нюрнберг музейида ҳалигача сақланмоқда. Ҳозирги вақтда турли мусиқа асбобларини яратишда қизил дарахт ёғочлари муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳозирда Куба, Украина ва Молдовада қизил боғлари мавжуд.

Қизилнинг дориворлик хусусиятлари ҳам бор. Тиббиётнинг отаси саналган Гиппократ (эрамиздан аввалги IV аср) ошқозон касалликларини даволашда қизил барглардан фойдаланишни тавсия қилган. Унинг пўстлоқ ва баргларидан эса техник мой олинади. Шунингдек, бу дарахтдан кампот ва ҳар хил ичимликлар тайёрланади.

Халқ орасида қизил «шайтон дарахти» деб ном олган. Афсоналарда келтирилишича, Оллоҳ ер юзидаги дастлабки одамларга ўсимликларни тарқата бошлаганида, шайтон ўзига қизилни танлаган, чунки унинг эрта гуллаши ва мева бериши ўзига ром қилган экан. Аммо шайтоннинг қувончи узоққа чўзилмапти. Олма, нок, олча каби дарахтларнинг мевалари пишибди ҳамки, қизилнинг мевалари яшил, нордон ҳамда бемазалигича қолаверибди. Қанчалик уринмасин, шайтон ҳеч нарсани ўзгартира олмапти. Одамлар эса шайтоннинг онгсизлигидан кулиб, қизилнинг хирмон-хирмон етилиб пишган ширин меваларини кузда териб олган эканлар.

**Наргиза АҲМЕДОВА.**

## УМИДЛИ БОКСЧИЛАР

*Болалар спорти*



***Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва бақувват этиб камол топтириш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаяпти. Бу эзгу мақсадга эришиш йўлида айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги қатор тадбирлар таҳсинга лойиқдир.***

Бир неча йил илгари Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳалол сервис» уй-жой мулкдорлар ширкати ташаббуси билан ширкат ҳудудида спорт клуби ташкил этилган эди. Гапнинг рости, аввалига бу ердаги бокс машғулотларига қатнашишни хоҳловчилар сони озчиликни ташкил қилди. Бироқ аста-секин маҳаллада бекор юрган ўсмир-ёшлар ўртасида бу спорт турига қизиқувчилар сони ошиб борди. Рашид Галауддинов мураббийлик қилаётган мазкур клубда айни пайтда 30 нафар ўсмир бокс сирларини ўрганишмоқда.



Спорт клубида ёш, умидли боксчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Уй-жой мулкдорлар ширкати зарур спорт анжомлари билан таъминлаб турли мусобақаларда қатнашиш учун ҳам кўмак бермоқда. Қувонарлиси, клуб тарбияланувчилари ишончни оқлаган ҳолда турли нуфуздаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишмоқда. Ажаб эмаски, эрта-индин улар орасидан Ватанимиз довруғини дунёга достон этадиган машҳур спортчилар етишиб чиқса.

***Суратларда: спорт клуби тарбияланувчилари машғулот пайтида.***

**Ғулом ХИДИРОВ**
**олган суратлар.**

## ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон-Корейс маданият марказлари уюшмаси ва Жанубий Корея бизнесменлари қўмитаси ташаббуси билан Тошкентда юрак қон-томир хасталикларига чалинган болалар учун хайрия концерти ўтказилди. Унда Жанубий Кореялик вокалчилар дуэти ва тошкентлик "Анён" гуруҳи иштирок этди.

— Хайрия концерти қаторасига иккинчи йил ўтказилмоқда, бу ажойиб анъанага айланиб қолди, - деди уюшма директори Михаил Ким "Туркистон-пресс" мухбирга. - У Жанубий кореялик бизнесменлар қўмитаси ҳомийлигининг таркибий қисмига айланди. Ўтган йил кузида қўмита томонидан ажратилган 10 минг АҚШ доллари эвазига туғма юрак пороги ташхиси билан тошкентлик 10 ёшли Дилноза Толипова Сеул шаҳрига даъволанишга жўнатилди.

Жанубий кореялик бизнесменлар қўмитаси ўтган икки йил мобайнида кўпгина хайрия ишларни амалга оширишди. Улар Жанубий Корея ва ўзбекистонлик янги шерикларни жалб этишмоқда. Булар орасида Ўзбекистон-Корея дўстлик жамияти, "Эковис Инк" фирмаси ва бошқалар бор.

**"Туркистон-пресс".**

## ШАҲРИСАБЗ «КУРАШ МАРКАЗИ»

Қашқадарёликлар халқаро мусобақаларда қатнашиб, юртимиз байроғини баланд кўтарган Алишер Мухторов, Сарвиноз Эргашева, Нодира Нодиржонова, София Каспулатова, Нодир Хўжаев, Жавлон Маҳмудов сингари ёш спортчилар билан фахрланадилар.

Буюк Соҳибқирон камол топган қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш кенг йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилажак ишларнинг аниқ режасини тузиб чиқдилар. Дастурда болалар спортини тараққий эттириш, фарзандларимизнинг жисмонан бақувват бўлиб улғайишлари учун қулай шароит яратиб бериш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Мустақиллик шарофати билан кўҳна Кеш халқаро мусобақалар ўтказиладиган масканлардан бирига айланди. 1991 йилда Марказий Осиё ва Қозоғистон полвонлари ўртасида миллий кураш мусобақалари уюштирилди. Бир йил ўтгач эса буюк жаҳонгир Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир катта муваффақият билан ўтказилди. Унда шаҳрисабзлик курашчи Абдуқодир Пирматов бош совриннн қўлга киритди.

Бундан икки йил муқаддам Шаҳрисабзда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига эга республика «Кураш маркази» ишга тушди. Марказга кўп йиллар шаҳар спорт қўмитасига раҳбарлик қилган тажрибали мутахассис К.Аминов раҳбар этиб тайинланди. Жонкуяр раҳбарнинг фидойилиги туфайли тўгарак ва секциялар ташкил этилиб, уларга кўплаб ёшлар жалб қилинди. Ҳозирги пайтда 450 нафар болалар машғулотларда қатнашмоқда. Уларга кураш сирларини ўргатишда Р.Абдуллаев, О.Яратов, Х.Овлақулов, И.Муратов каби мураббийлар ўзларининг бутун билим ва маҳоратларини аямаяптилар. Ёш курашчилар ўтган йили Тошкентда ўтказилган «Маҳалламиз полвонлари» мусобақасида бош совринга сазовор бўлишди.

Бироқ марказда муаммолар ҳам етарли. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кураш маркази фаолиятини кучайтириш вазифалари қўйилган эди. Аммо қарорнинг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Машғулотлар ўтказиладиган хоналарда етарлича шароит яратилмаган. Кураш гиламлари ва бошқа спорт ашёлари етишмайди. Умуман олганда, туманда болалар спортини ривожлантириш учун ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар кўп. Туман спорт қўмитаси, Халқ таълими бўлими, касаба уюшма қўмиталари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг эътибори мактаб, маҳаллаларда спорт майдончалари барпо этиш, иншоотларни таъмирлаш ҳамда уларни керакли жиҳозлар билан таъминлашга қаратилиши керак.

**ЁЛҚИН.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17603 Буюртма Г— 284. 1 2 3 4 5 6